

В.А.АВТОНОМОВ

**ЯНГИ ВА ТУМАНЛАШГАН
ҒЎЗА НАВЛАРИНИ
ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНИКАСИ**



ТОШКЕНТ – 2008

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан
ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш
Қўмитаси

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги
Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази

Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот
институту

В.А.АВТОНОМОВ

ЯНГИ ВА ТУМАНЛАШГАН ҒЎЗА НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ


ТОШКЕНТ – 2008

633.51
A-24

В.А.Автономов – Т., Янги ва туманлашган ғўза навларини
етиштириш агротехникаси «Fan va texnologiya»- 2008, 52 бет.

Ушбу гўлам фермер хўжаликлари раҳбарлари ва шу соҳада меҳнат
қилаётган кўпчилик деҳқонларимиз, механизаторларимиз ва кўп сонли
китобхонлар оммасига хизмат қилишга ишончимиз комил.

Тақризчи: ЎзҒСУИТИ Бош директори, қишлоқ хўжалик фанлари
номзоди А.Б.Амантурдиев



Мазкур қўлланма Фан ва технологияларни ривожлантиришни
мувофиқлаштириш қўмитасининг Инновация илмий-техника дастурлари
доирасида яратилган.

ТУМАНЛАШТИРИЛГАН ҒЎЗА НАВЛАРИ

«С-6524» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

“С-6524” нави Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Нав 1988 йилдан бошлаб районлаштирилган.

“С-6524” ғўза нави ёввойи (ЎзҒСУИТИ каталог рақами 05152) пунктатум ва 159-навини чапиштириш йули билан ЎзҒСУИТИда Вад.Автономов, А.Автономов, В.Рыстаков, Т.Юлдашев, М.Сайдахметов, А.Шерматов ва А.Цыбалар томонидан яратилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИК УЧУН ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Бўйи 110-120 см. 0-2 сув шохлари мавжуд. Юқори агрофон шароитида 3-нчи ҳосил шохини ҳам пайдо қилади. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бықинда пайдо бўлади, барглари ўртача тукланган. Вилтга чидамли. Кўсагининг шакли – чўзинчок. Бир дона кўсак пахтасининг массаси 5.5-6.5 г. 1000 дона чигит массаси 125-135 г. Навнинг ўсув даври ўртача 125 кун. Толаси IV-типга мансуб. Тола узунлиги 34.0-35,2 мм., тола чиқими 33,5-34.5%. Ҳосилдорлиги гектаридан 46,0 центнергача.

ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ

“С-6524” навидан юқори ҳосил олиш учун кузги шудгорни сифатли амалга ошириш керак. Шудгорлашдан олдин ер ғўзапоядан тозаланиб, минерал ўғитлар йиллик меъёрининг белгиланган қисми, яъни фосфорли ўғитларнинг 70% ва калийли ўғитларнинг 50% шўрланмаган типик бўз ва оч тусли бўз тупроқлари шароитида шудгор остига берилиши керак.

Шу билан биргаликда контурда ҳайдов сифатиغا, марза, арна ва ҳайдов чуқурлигига эътибор берилиши тавсия этилади. Ҳайдов чуқурлиги 30-35 смдан кам бўлмаслиги лозим.

ЧИГИТ ЭКИШ

Одатда уруғлик чигит пахта тозалаш заводларида маркашлаштирилган ҳолда тайёрланиб, чигит тайёрлаш шохобчалари орқали фермерлар далагарига етказилади. Чигитни экишга тайёрлаш

технологиясига эътибор қаратиш зарур. Бунда, 1 тонна чигитга 600-650 л миқдоридаги сув сарфланиб намланади, уни ивитишга йўл қўйилмайди. Ҳар 2 соатда челақлардан фойдаланган ҳолда намлаб, ағдариб туриш ва устини полиэтилин ёки бошқа нам ўтказмайдиган нарса билан ёпиб димиқтирилади. Чигитни ағдариш пайтида ёғоч кураклардан фойдаланиш керак. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан экилади.

Тупроғнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даражадан кам бўлмаганда тукли чигитларни, 14 даражадан кам бўлмаганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак. Ҳар гектар майдонга тегишли махсус сеялкалар мавжуд бўлганда сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан белгиланган. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. Чигит экишнинг мақбул чуқурлиги тупроқ намлигига ва тупроқ шароитига қараб, 3 – 5 смгача бўлиши мумкин.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Униб чиқаётган ниҳолларни қатқалоқдан эҳтиёт қилиш зарур. Баҳор кунларида ёмғир ёғиши қатқалоқ пайдо қилади. Бундай ҳолларда қўл билан ёки техника воситалари ёрдамида қатқалоққа қарши курашилади.

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса, 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз ҳолига келиши учун 4-5 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 4-5 кунга кечикади.

КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга ҳос миқдордан кам бўлса ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда кўсақларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, ер ости сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

“С-6524” нави учун кўчат қалинлиги унумдор тупроқ шароитида гектарига 90-95 минг туп, оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда ер ости сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда эса гектарига 120-130 минг туп кўчат қолдирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

“С-6524” нави учун типик ва оч тусли бўз тупроқлар шароитида гектарига азот-240 кг, фосфор-160 кг, калий-125 кг миқдорида берилиши керак. Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: экиш ёки биринчи культивация вақтида гектарига –50 кг, шоналаш даврида-90 кг, гуллаш даврининг бошланишида-100 кг, фосфорли ўғитни 70 фонзи ёки тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни эса тенг миқдорда шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агарда фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсақларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб, пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишққлигини оширади. Минерал ўғитларга кўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсак тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантирилишини 10-июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу тадбирнинг кечикиши ғўзанинг ғовлашига олиб келиши мумкин.

СУҒОРИШ

Ғўзани неча марта суғориш тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги ва ер нишаблиги ҳисобга олиниши керак. ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда

чанқаганидан дарак беради. Ғўза етиштириш мобайнида бу ҳолатга етказиш тавсия этилмайди. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толаннинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Тошкент вилоятининг типик бўз тупроғлари шароитида “С-6524” навини 5 марта суғориш талаб этилади. Биринчи суғориш 1-5 июнга, иккинчи суғориш 20-25 июнга, учинчи суғориш 8-12 июлга, тўртинчи суғориш 28 июл-2 августга ва ниҳоят бешинчи суғориш 20-25 августга тўғри келади. Охирги сув меъёри 50%га камайтирилган ҳолда катор оралатиб суғориш тавсия этилади.

Фарғона, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса, тупроқ ва иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда, суғориш сонини биттага қисқартириш мумкин.

Чилпиш муддати 13-14 ҳосил шохларидан кечиктирмай ўтказиш ва дефолиацияни ғўза тупида 40-50% қўсақлар очилганида ўтказиш мақсадга мувофиқ. Агротехник тадбирларни ўз вақтида қўллаш юқори ҳосил олиш гаровидир.

«НАМАНГАН-77» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

“Наманган-77” нави Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Госипиум хирзутум турига мансуб. 1994 йилдан бошлаб давлат рўйхатида киритилган.

Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий текшириш Институтининг Қизил-Ровот тажриба хўжалигида яратилган.

Муаллифлар: Автономов Вад., Саидахмедов М., Шерматов А., Эгамбердиев А. Хирзутум турига мансуб.

1994 йилдан Жиззах, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари бўйича Давлат реестрига киритилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИК УЧУН ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Туплари йирик конус шаклида, бўйи 100-110 см. Ўсув шохи 0-2 та, ҳосил шохлари 1-1.5 типга мансуб. Поя ва шохи кам тукланган. Пояси қўқимтир, кузда қизғиш тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона чигити массаси 110-115 г., сарғиш тукли. Барглари панжасимон, 3-5 тишли. Қўсақлари юмалоқ, текис, қўқ, тумшукчалари кам ривожланган. Вилтга чидамли. Қўсақдаги пахтанинг

вазни 4.5-5.8 г. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсак очилгунча бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 124-120 кун, жанубий минтақаларда 100-112 кун бўлиб, бу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади.

Толаси V-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 32,0-33,0 мм., солиштирма узилиш кучи 25.2 гк/текс, чизикли зичлиги 177 м/текс. Тола чиқиши 37.0-39.1%. Микронеёр кўрсаткичи 4.0-4.5. Нав толаси дунё бозорида харидоргир. Нав экиладиган майдон йилдан-йилга кенгаймоқда.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Ҳар бир гектар майдонда етарли даражада кўчат қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камиди 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан дориланиб, хўжаликларга берилади. Элита уруғчилик хўжаликлари ходимлари чигитларни ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдидан намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупрокнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак.

Ҳар гектар майдонга сарфладиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. Наманган-77 нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги 3-4 см., тупроқ шароитидаги қараб айрим жойларда 5 см ҳам бўлиши мумкин.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 6-7 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 4-5 кунга кечикади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга ҳос миқдордан кам бўлса, кўсақларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, грунт сувининг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг “Наманган-77” нави учун: унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 90-95 минг та. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда заҳоб сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 125-130 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

“Наманган-77” нави юқори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. Наманган-77 нави учун бўз тупроқларда азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоқли тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида 75 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитини шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида берилади.

Агарда минерал йиллик меъерининг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар старли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъеридан ортиқ ишлатилса қўсақларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишқилгини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, қўсақ тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 10-июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, қўсақлар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 3-4 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда қўсақларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган қўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Ғўзанинг суғоришлар сони тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ғўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллагунча кунинг энг исиган дамларида (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинкирайдиган бўлади. Шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири кирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Юқоридаги агротехник тадбирларни ҳисобга олган ҳолда Наманган-77 навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш

сифатли ҳосил етиштириш гаровидир. “Наманган-77” ғўза навини чилпишни 14-15 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади.

«С-4727» НАВИ

С-4727 ҒЎЗА НАВИНИНГ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

С-4727 ғўза нави 1950 йилда ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. 1961 йилдан бошлаб давлат реестрига киритилган.

МОРФОЛОГИЯСИ, ХЎЖАЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

С-4727 навининг бўйи 90-100 см., пояси бақувват, лекин агротехника нотўғри қўлланилса ётиб қолиши мумкин. Дастлабки ҳосил шохи тупнинг бешинчи бўғинида ҳосил бўлади. Кўсаклари йирик 6.3-6.8 г., пахтаси чанокларига яхши ёпишган, тўкилиб кетмайди. 1000 дона чигит оғирлиги 120-130 г., тола чиқиши 36-38%, тола узунлиги 32.5-33.2 мм., толаси V-типка мансуб. Экилгандан сўнг 120-125 кунда пишиб етилади.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Унумдор, бўз тупроқ, ўтлоки тупроқли ерларда ўсимликларнинг оптимал қалинлиги йиғим-терим даврига келиб гектарига 90-100 минг донани ташкил этиши керак. Бундай кўрсаткичларга қуйидагича эришиш мумкин: 60 см.ли қатор оралиғида экилганда ҳар 1 погон метрда 6-7 дона, қатор оралиғи 90 см. бўлганда эса 9-10 тадан жойлаштириш керак. Кам унумдор шўралаган, қумоқ тупроқли ерларда ўсимликлар зичлигини гектарига 100-115 мингтагача қолдириш мумкин. Аммо ер ости сувлари яқин жойлашган ўтлоқли ва ўтлоқли-ботқоқ тупроқларда туп сонини ошириб юбориш кўсакларнинг кеч очилишига, ғўзаларнинг ғовлаб кетишига ва ниҳоят, ҳосилнинг камайишига олиб келади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Агротехника тадбирларидан бири бу яганалашдир. Яганалашни илжи борица 2-3 чинбарг чиқаргунча ўтказиш зарур. Яганалаш вақтида ўтказилса юқори самара беради, яганалашни кечиктирилган сайин ҳосилдорлик тушиб боради.

МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИ ИШЛАТИШ

Бўз тупрокли ерларда режаланган ҳосилдорлик гектарига 35-40 центнер бўлганда гектарига N 250, P 175, K 125 кг. Соф ҳолда бериш лозим. Бунда азотни 3 муддатда солиш керак: биринчи култивациядан аввал гектарига 30-50 кг, шоналаш даврида (биринчи суғоришдан олдин) 100-120 кг. Ва гуллаш бошлаганда (иккинчи суғоришдан олдин) 100 кг. Микдорда солиш яхши натижа беради. Фосфорни тенг микдорда кузги шудгор ва гуллаш даврида солиш зарур, калий ҳам тенг микдорда кузги шудгор ва шоналаш даврида берилиши шарт. Ўтлокли ва ўтлокли-ботқоқ тупрокларда азот микдорини гектарига 25-30 кг. Камайтириб, фосфорни шу микдорда ошириш лозим. Азотли ўғитларни ҳаддан ташқари кўп микдорда бериш сентябр ҳосили ва совуқ тушгунча олинадиган ҳосилнинг камайишига, шунингдек, тола сифатининг пасайишига олиб келади.

СУҒОРИШ ТАРТИБИ

Суғоришда иқлим шароити, ер ости сувларининг жойлашиш чуқурлиги, тупроқнинг унумдорлиги каби кўрсаткичларни ҳисобга олиш керак. Қорақалпоқистон Республикаси ва Жиззах, Сирдарё вилоятларининг шўри ювиладиган ҳудудларида биринчи суғориш шоналаш даврида ўтказилса мақсадга мувофиқ бўлади. Кейинги суғоришлар ўсимликнинг талаб қилишига қараб бериб борилади. Охириги сув қуйиш ағат оралатиб, 1-2 кўсак очилганда бажарилса тола сифати, айниқса уруғлик чигит тайёрлайдиган фермер хўжаликларида уруғлик чигит сифатининг яхшиланишини таъминлайди.

Шўри ювилмайдиган ҳудудларда 1:3:1 схемаси бўйича сув қуйиш мақсадга мувофиқ, яъни 1-сув чигитни ундириб олиш мақсадида, 2-сув шоналаш даврида 3-сув гулга кириш даврида 4-сув текис гулга кирганда ва 5-сув эса 1-2 кўсак очилиш даврида қатор оралаб енгил қуйилиши зарур. Кам сув бериш тола сифатига салбий таъсир кўрсатиб, толаннинг паст нархларга сотилишига сабаб бўлади.

ЧИЛПИШ ВА БАРГЛАРИНИ ТЎКТИРИШ

Ўзани чилпиш ва барглари тўктириш тадбирларини ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. С-4727 нави учун чилпишни ҳосил шохлари 14-15 тага етканда ўтказиш зарур. Ўза барглари тўктириш кўсакларнинг 20-25 фоизи, машина терими учун эса 60-70 фоизи очилганда бошлаш зарур.

ДЎЗАНИНГ «ОМАД» НАВИ

Омад нави Ўзбекистон ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Госсипиум хирзутум турига мансуб. 1999 йилдан бошлаб Давлат Реестрига киритилган. Нав муаллифлари: Ким Р., Амантурдиев А., Узаков Ю., Эгамбердиев А., Исроилов М., Ахмедов К., Пўлатов М., Алимухамедов А., Муратов У.

НАВНИНГ МОРФОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИК УЧУН ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Туплари пирамида шаклида, бўйи 80-90 см. Ўсув шохи 1-2 та, ҳосил шохлари 1.5 типга мансуб. Пояси яшил, ётиб қолмайди, кузда қўнғир тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 5 бықинда пайдо бўлади. Барглари ўртача катталиқда 3-5 япроқли, ранги яшил, кам тукланган, қайиқсимон. Ўсимликда барглар сони кам. Қўсақлари йирик, 4-5 чанокли, тухумсимон чўзинчоқроқ, учли (6-7 г). Пахта чанокдан тўкилиб қолмайди. Тола чиқими 35-36 %, узунлиги 35-36 мм. Толаси майин оқ рангли ва ялтироқ, микронейри 4.4-4.6, тола майинлиги 153-155 (6000-6400), нисбий узилиш кучи 28.0-29,0 г.к./текс, Чигити йирик, кулранг, 1000 дона чигит оғирлиги 130-135 г. Мой миқдори 18-20%. Нав толаси дунё бозорида харидорғир. Қулай агротехника шароитида Омад нави 40,0-45,0 ц/га ҳосил беради, ҳамда қўсақларининг очилиш суръати юқори бўлганлиги сабабли 20-25 сентябр муддатиға 32,0-35,0 ц/га ҳосил беради.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ ВА ЭКИШ

Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит Бронопол, Лансер ва П-4 препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига учраб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Айрим ҳолларда хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ўзанинг текис ривожланишиға салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунға кечикади, ҳосилдорлик гектариға 3-4 центнерға камайди. Экиш муддатлари Ўзбекистоннинг минтақалари учун умумийдир, бундан ташқари Омад нави ўзининг тезпишарлиги ҳамда қўсақларининг очилиш суръати юқори бўлганлиги учун қайта ва донли ўсимликлардан кейин 20 майдан 10 июнғача бўлган муддатларда такрорий экин сифатида экилиши мумкин.

Туксиз чигитлар тўғридан-тўғри экилса, тукли чигитлар намлатиб экилади. Бир тонна тукли чигитға 600 литр сув ишлатилади. Бу

миқдордаги сувни 3 табақага бўлиб, 200 литрдан 3 марта сувга аралаштириб, ёғоч белжураклар ёрдамида 15-20 см қалинлигида ёйилган чигитлар сувда яхшилаб қориштирилиб тўпланади ва 3-4 соат димланиб, бу тадбир яна қайтарилади ва ниҳоят учинчи марта яна 200 литр сув сепилиб қориштирилади.

Оқибатда 1 тонна туқли чигит 600 литр сувни ўзига шимиб олиб, чигитда ниш uriш жараёни бошланган ҳолга келади.

Чигитни димлаш муддати об-ҳаво шароитига қараб, турлича бўлади. Эрта муддатда экилаётган чигитларни димлаш муддати 12-14 соат, тупроқ ҳарорати 12-14°C ва ундан юқори бўлган вақтларда 18 соатгача димлаш тавсия этилади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12° С даража бўлганда туқли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак. Чигит пуштага экилганда оддий экишга нисбатан тупроқнинг ҳарорати 2-3 °C ошиқ бўлиши керак. Бунда табиий намлик чигитнинг униб чиқишига етарли бўлиши ҳисобига 5-6 кунга эрта экишга имконият яратилади ва ҳосилдорлик 4-5 центнерга ошади, ҳосил 8-10 кун олдин пишади.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 25-30 кг., туқли чигит 60 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. Омад нави чигитининг энг мақбул чуқурлиги ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда 4-5 см., бошқа тупроқларда 5-6 см ҳисобланади. Экиш муддатлари об-ҳаво шароитидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдиэлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдиэлари шикастланади. Улар ўз

холига келиши учун 7-10 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 7-10 кунга кечикади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга хос миқдордан кам бўлса, кўсақларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, захоб сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг Омад нави учун: унумдор бўз ва ўтлоқи ерлар учун 90-100 минг та, катор оралиғи 60 см бўлганда 6-7 та туп ўсимлик (1 п.м. да), 90 см бўлганда 8-9 та туп ўсимлик (1 п.м. да) бўлиши керак. Унумсиз ва шўрхок ерларда ўсимлик қалинлигини 10-15 минг тага ошириш мумкин, бунда гектарига 100-120 минг ўсимлик бўлади. Кўчат қалинлиги ортиши ўсимликни ривожланишини сусайтиради ва етилиш муддати, кўсақларни очилиш суръати кечикади.

МИНЕРАЛ ЎВИТЛАРНИ ИШЛАТИШ

Минерал ўғит бериш миқдори тупроқ унумдорлиги ва хўжаликнинг ҳосилдорлик режасига боғлиқ. Ҳосилдорлик режаси 35-40 ц/га бўлганда минерал ўғитларнинг оптимал бериш миқдори соф ҳолда 1 гектар учун қуйидагича:

Азот 225-250 кг, фосфор 150-175 кг, калий 100-125 кг. Азотни 3 муддатда бериш мақсадга мувофиқдир: экишда ёки биринчи культивация пайтида 2-3 та ҳақиқий чинбарглар пайдо бўлганда 50-75 кг, ҳоналаш даврида 100-125 кг, гуллаш бошланишида 75-100 кг, агар азотли ўғит бўлмаган тақдирда экиш пайтида гектарига 100-150 кг аммофос бериш мумкин, фосфорнинг 50% шудгор қилинганда, 50% гуллаш даврида, калийни эса 50% ер ҳайдалганда, қолган 50% ни шоналаш даврида бериш керак. Омад нави тезпишар навлар сарасига кириши сабабли бошқа навлардан фарқ қилган ҳолда озиклантириш ва суғориш ишлари эрта муддатларда ўтказилиши лозим.

СУҒОРИШ ТАРТИБИ

Суғориш бўз тупроқларда ер ости сувлари чуқур бўлганда 1:3:1 схемасида, бўз ва ўтлоқли ерларда ер ости сувлари яқин бўлганда суғориш 1:2:1 схемасида суғорилади. Биринчи сувни 4-5 та чинбарг пайдо бўлганда

ёки шоналаш даврининг бошида бериш шарт.

Ѓўзани неча марта суғориш тупроқ турига, заҳоб сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Ѓўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллаганча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соат 15⁰⁰-16⁰⁰ да) ўсимлик барглари тўк-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ѓўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди. Калта ва дағал толанинг нархи дунё бозорида 1,5-2 маротаба пасаяди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Омад навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

ЧИЛПИШ

Омад нави етарли агротехника шароитида етиштирилганда паст бўйли бўлгани учун чилпиш керак эмас. Юқори агрофонда ва кўп суғорилганда чилпиш мумкин. (16-17 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда).

ЗАРАРКУНАНДА ВА ҲАШОРОТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Трипс ва шира ўсимликнинг дастлабки ўсиш даври учун жуда хавфли ҳисобланади. Уларга қарши ўсимликни чидамлилигини ошириш мақсадида азот, фосфор ва калийли ўғитлар аралашмасини ёки улардан алоҳида бир турининг 1,5-2,5% эритмасини ОВХ-28 русумли трактор пуркагичлари ёрдамида гектарига 200-300 литр сувли суспензия сарфлаб ишлатиш лозим бўлади.

Ҳашоротлар кўп тарқалган ғўза майдонларига Карбофос (1,2 л/га), Фосфомид (2,0 л/га), Дельтафос (1,25 л/га), Данитол (1,5 л/га) ва бошқаларнинг бирортаси билан ишлов ўтказиш зарур.

Ҳашорот хавфини бартараф қилиш учун айниқса кўсак курти ва ўргимчакканаларнинг тарқалиши ва миқдори доимий назоратга олиниши зарур.

ЃЎЗА БАРГЛАРИНИ ТЎКТИРИШ

Омад нави тупида барглар бошқа навларга нисбатан кам бўлиши сабабли баргини тўкишга сарфланадиган дефелиантлар кам миқдорда қўлланилади. Омад нави тезпишар нав бўлганлиги сабабли дефолиацияни ўсимликда 60-80% кўсаклар очилганда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

ДЎЗАНИНГ «СУРХОН-9» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИЎИШИ

“Сурхон-9” ғўза нави Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Мл 101 х 07630 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида Вад.Автономов, Вик. Автономов, П.Ибрагимов, О.Кимсанбаев, Х.Хусанов ва бошқалар томонидан яратилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Туплари йирик, конус шаклида. Бош поясининг бўйи 110-120 см. Тупи йиғиқроқ, шохланмаган булиб, ҳосил шохларида асосий пояга жипс жойлашган, ётиб қолмайди, 0-2 моноподия бор. Пояси кўкимтир, кузда қизғиш тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 3-5 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона чигит массаси 130-140 г., сарғиш тукли. Барглари панжасимон, 3-5 тишли. Кўсақлари юмалок, текис, кўк, тумшукчалари кам ривожланган. Вилтга чидамли. Кўсақдаги пахтанинг вазни 3.4-3.6 г. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсак очилгунча бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 121-124 кун, жанубий минтақаларда 112-117 кун бўлиб, бу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади.

Толаси II-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 37.7-39.6 мм., солиштирма узилиш кучи 33.4-34.0 гк/текс, чизикли зичлиги 137 м/текс. Тола чиқиши 37.0-39.1%. Микронейр кўрсаткичи 3.8-4.2. Нав толаси дунё бозорида харидорғир. Нав экиладиган майдон йилдан-йилга кенгаймоқда.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Ҳар бир гектар майдонда старли даражада кўчат қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди, натижада хатосига экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарыга 3-4 центнерга камади.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан дориланиб, хўжаликларга берилади. Элита уруғчилик хўжаликлари ходимлари чигитларни ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдида намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак.


Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. “Сурхон-9” нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги-ўтлоқ-баткоқ тупроқларда 3-4 см., бошқа тупроқларда 5 см гача бўлиши мумкин.

НИҲОЛЛАРНИ ЯҒАНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаёди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдиэлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдиэлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 3-4 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 3-4 кунга кечикади.



КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар сони нав биологияси ва хос миқдордан кам бўлса, кўсакларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, заҳоб сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг “Сурхон-9” нави учун: унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг та. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда заҳоб сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 160-170 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎВИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

“Сурхон-9” нави юқори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. Сурхон-9 нави учун бўз тупроқларда азот-200 кг/га, фосфор-160 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоқ тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида-75кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агарда минерал ўғитлар йиллик меъёрининг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсакларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиқлигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсак тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 10 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, кўсаклар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 4-5 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда кўсакларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иктисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Ғўзани неча марта суғориш тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ғўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллагунча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг нихоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда “Сурхон-9” навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

“Сурхон-9” ғўза навини чилпишни 16-18 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади.

ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАР

«С-6541» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

“С-6541” нави Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида С-6530 х С-9070 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида Вик.Автономов, М.Хусанов, П.Ибрагимов, О.Кимсанбаев, Т.Комилов, Н.Хожамбергенов, А.Усманов, ва Р.Абидовлар томонидан яратилган.

НАВ МОРФОЛОГИЯСИ ВА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Тўпининг шакли конуссимон, ўсимлик бўйи 110-130 см. Пояси ўртача тўқланган, поя куз ойида антацион (қизғиш) тўсга киради. Ҳосил шохлари 1-2 типга мансуб. Моноподиал шохлари 0-2 та. Барглари 5 паллали қўббасимон. Баргнинг томирлари уртача тўқланган. Гули ва оналиги уртача катталиқда, қаймоқсимон рангли. Кўсаги асосан думалоқ чузинчоқ шаклда, бироқ пастки ва юқориги кўсақлари думалоқ шаклда юлдузчали ва юлдузчасиз тумшукчага эга. Кўсагининг тумшукчаси майдадан ўртагича улчамда. Кўсагини юзаси майда чўқурчали. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона чигит массаси 110-115 г., сарғиш тукли. Барглари панжасимон, 3-5 тишли. Кўсақлари юмалоқ-овалсимон ёки айрим ҳолларда бироз чўзилган формалари ҳам учрайди, текис, қўқ, тумшукчалари кам ривожланган. Вилтга чидамли. Кўсақдаги пахтанинг вазни 5.4-5.9 г. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсақ очилгунча бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 114-122 кун, жанубий минтақаларда 104-112 кун бўлиб, бу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади.

Толаси IV-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 33-34 мм., солиштирма узилиш кучи 28.2 гк/текс, чизикли зичлиги 167 м/текс. Тола чиқиши 38.0-42.1%. Микронейр кўрсаткичи 4.0-4.5. Нав экиладиган майдон йилдан-йилга кенгаймоқда.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Чигит илмий асосланган тавсиялар асосида Давлат кимё комиссиясининг руҳсатини олган препаратлар билан дориланади. Кўчат қалинлигини таъминлаш мақсадида сараланган, экишга тайёрланган унувчандиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигитга кимёвий ишлов берилади. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, даладарда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Элита хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда гўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан дориланиб, фермер хўжаликларга тақатилади. Элита уруғчилик хўжаликлари чигитларини ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдидан намлаш ҳам

керак. Намлаш тартиби куйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда 600 литргача сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12°C даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак. Экиш учун зарур техника ва мосламалар жойланиши керак.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. “С-6541” нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги 3,0-4,5 см ҳисобланади. Бу ҳолатда тупроқ шаронти ҳисобга олинади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГАНАЛАШ ВА ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ ҚУРАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдиэлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдиэлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 7-8 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 7-8 кунга кечикади.

Эрта баҳорги табиат индикликларидан огоҳ бўлиб туриш зарур. Асосан тез куйиб ёққан жалалар қатқалоқ ҳосил қилади. Қатқалоқ пайдо бўлганда қатқалоқ қалинлиги, тупроқ шаронтига қараб, қўлда, қўлда ясалган механизм ёки техникалар ёрдамида унга қарши кураш амалга оширилади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТЎП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар нав биологиясига мос бўлмаса, кўсакларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, заҳоб сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг "С-6541" нави учун: унумдор тупроқ шаронтида кўчат қалинлиги гектарига 90-95 минг туп. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда заҳоб сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 120-140 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

"С-6541" нави юқори агротехнологияга талабчан. Мутахассисларнинг кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. С-6541 нави учун бўз тупроқларда азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоқи тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп бериледи.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида 75 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агарда минерал ўғитларнинг йиллик меъёрининг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар старли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсакларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиклигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсак тўлиқ ривожланади. Натижада ҳосил чўғининг ошишига олиб келади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 15 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, кўсаклар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 3-4 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда кўсақларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса толанинг технологик сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Ўза етиштиришда суғоришлар сони тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллаунча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек, бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, бош поя бўйлаб юқоридан пастга учинчи барг букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда “С-6541” навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

“С-6541” ўза навини чилпишни 14-15 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади. Кўчат сони юқори бўлган жойларда Ушбу тадбирни 11-12 ҳосил шохлари пайдо бўлганда амалган оширса ҳам бўлади.

«НАМАНГАН-34» НАВИ

НАМАНГАН-34 ЎЗА НАВИНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Наманган-34 нави Ўзбекистон Ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида яратилган. Госсипиум хирзутум турига мансуб.

Наманган-34 ўза нави Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон Ўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида С-1973 х 02654 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида В.Автономов, М.Кипчаков, П.Ибрагимов, Н.Хожамбергенов ва бошқалар томонидан яратилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Тупи йирик конус шаклида, бош поясининг бўйи 110-130 см. Ўсув шохи 0-1 та, ҳосил шохлари 1-1,5 типга мансуб. Поя ва шохи кам тукланган. Пояси кўкимтир, кузда қизғиш тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона чигити массаси 112-124 г., сарғиш тукли. Барглари панжасимон, 3-5 тишли. Кўсақлари юмалоқ, текис, кўк, тумшукчалари кам ривожланган. Вилтга чидамли. Кўсақдаги пахтанинг вазни 5.0-6.5 г. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсақ очилгунча бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 114-120 кун, жанубий минтақаларда 105-110 кун бўлиб, бу ҳудудларда эртапишар ҳисобланади.

Толаси IV-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 34-35 мм., солиштирама узилиш кучи 29.2 гк/текс, чизикли зичлиги 157 м/текс. Тола чиқиши 39.0-41.1%. Микронеёр кўрсаткичи 4.0-4.4. Келтирилган кўрсаткичлар нав толасининг дунё бозорида харидоргир бўлишига асос бўлади. Нав экиладиган майдон йилдан-йилга кенгаймоқда.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Пахта далаларида етарли даражада кўчат қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, даладарда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Хатосига экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида маркашлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан дориланиб, хўжаликларга берилади. Элита уруғчилик хўжаликлари ўзлари чигитларни дорилашга тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизланган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдидан намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизланган чигитлар намланмасдан куруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса

туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит микдори туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. Наманган-34 нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги-ўтлоқ-батқоқ тупроқларда 3-4 см., бошқа тупроқларда 4 см ҳисобланади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ ВА ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ КУРАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдиэлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдиэлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 3-4 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 3-4 кунга кечикади.

Қақалоқ пайдо бўлиши соғлом ва текис кўчат парвариши учун зарарли ҳолатни пайдо қилади. Унга қарши қўлда, механизмларда ёки техникалар воситасида курашиш тавсия этилади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юкори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга хос миқдордан кам бўлса, кўсақларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, грунт сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг Наманган-34 нави учун: унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 110-120 минг туп. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда грунтсувлари чуқур ва шунингдек,

кам унумдор ва шўрланишга мойил тупрокларда гектарига 130-140 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Наманган-34 нави юқори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. Наманган-34 нави учун бўз тупрокларда азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-80 кг/га микдорда, ўтлоки тупрокларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида 50 кг/га, шоналаш даврида 75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида 75 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агарда минерал ўғитларни қўлашда йиллик меъёرنинг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар етарли микдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсакларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиқлигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсак тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиқлантиришини 10 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиқлантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, кўсаклар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 3-4 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиқлантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда кўсакларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Ўзанинг суғоришлар сони тупрок турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ўзани суғориш муддатлари ўсимлиكنинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллаунча куннинг энг исиган

пайтларида (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинкирагандай бўлади. Шунингдек, бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири кирсилламаса (юқоридан учунчи барг) далани суғориш зарур бўлади. Ёўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанing дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Наманган-34 навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

Наманган-34 ёўза навини чилпишни 16-17 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади.

“ТУРОН” НАВИ

ТУРОН ЁЎЗА НАВИНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Турон нави Ўзбекистон Ёўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида Оқ-қўрғон тажриба хўжалигида яратилган. Госсипиум хирзутум турига мансуб. Турон нави 1999 йилдан бошлаб Давлат нав синовида синалмоқда ва 2003 йили Давлат нав синови комиссиясининг қарорига биноан истиқболли деб топилиб, Самарқанд вилояти Каттақўрғон ва Пастдарғом туманларидаги нав синаш шаҳобчаларида ишлаб чиқариш синовида синалган.

Навнинг бирламчи уруғчилиги Тошкент вилоятининг Оққўрғон тумани Оққўрғон хўжалигида купайтирилмоқда. Ҳозирги кунда Андижон, Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Сурхандарё вилоятларида янги иқболли нав сифатида экилмоқда.

Турон нави дурагайлаш йўли билан [F_5 (Deltapine-16 x morilli) x F_5 (raumaster 266 x richmondi)] Мунасов Х., Алихўжаева С.С., Муратов Ў.М., Бочарова В.М., Дўсимбетов А., Ботиоров Т., Тожибоев Т., Эгамбердиев А.Э., Турсунов Ф томонидан яратилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИК УЧУН ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Тути конус шаклида, бўйи 100-120 см. Ўсув шохи 1та, ҳосил шохлари 1,5 типга мансуб. Пояси ва шохи ўртача тукланган. Барги 3-5 бўлакли, ўртача кесилган бўлиб, усти туксиз, ости ўртача тукли. Гули кремсимон рангли, доғсиз, шона барглари майда 9-12 тишли. Кўсаги яшил чизинчоқ, ўткир учли, усти саёз чуқурчали. Пояси яшил, кузда қизғиш тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона

чигит вазни 127-130 г., сарғиш тукли тукли, вилт билан касалланиш даражаси 1-3%. Бир донга кўсагидаги пахта вазни 5,6-6,0 г. Навнинг ўртача ўсув даври: шимолий минтақаларда 122-125 кун, жанубий минтақаларда 115-118 кун бўлиб, бу хулудларда ўртапишар ҳисобланади.

Толаси IV-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 34 мм, солиштирма узулиш кучи 28,0-30,0 гс/текс. тола чиқиши 36,0-38,0%. Микронеир 4,3-4,4, тола узунлиги (УНІ) 1,14-1,16 дюйм, тола узунлиги (код) 37-38. Навнинг толаси жаҳон бозорида харидоргир.

ЕРНИ ТАЙЁРЛАШ

Навдан юқори ҳосил олиш учун кузги шудгорни сифатлиамалга ошириш зарур. Шудгорлашдан олдин ердан ғўзапояни тозаланиб, минерал ўғитларни йиллик меъёрининг белгиланган қисми, яъни фосфорли ўғитларнинг 70% ва калийли ўғитларни 50% шудгор остига берилиши керак. Шу билан биргаликда контурда ҳайдов сифатига, марза, арна, ва ҳайдов чуқурлигига эътибор берилиши тавсия этилади. Ҳайдов чуқурлиги 30-35 смдан кам булмаслиги лозим.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда тайёрланиб, чигит тайёрлаш шаҳобчаларида кимийвий моддалар “бронопол, витавакс, П-4, лансур” препаратлари билан дориланиб, фермерлар далаларига етказилади.

Агарда чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. хатосига қайтадан экишга олиб келади.

Чигитни экишга тайёрлаш технологиясига эътибор қаратиш зарур. Бунда, бир тонна чигитга 600 литр миқдоридаги сув сарфланиб намланади, уни ивитишга йўл қўйилмайди. Ҳар 2 соатда челақлардан фойдаланган, ҳолда намлаб, ағдариб туриш ва устини полиэтилин ёки бошқа нам ўтказмайдиган мато билан ёпиб димикстирилади. Чигитни ағдариш пайтида ёғоч кураклардан фойдаланиш керак. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан экилади.

Тупрокнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик харорати 12° С даражадан кам бўлмаганда тукли чигитларни, 14° С даражадан кам бўлмаганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак. Ҳар гектар майдонга тегишли махсус сеялалар мавжуд бўлганда сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 20-30 кг., тукли чигит 60 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, каторларнинг туғри чиқишига, туташган

қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳдмият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун айниқса унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқади. Турон нави учун энг мақбул экиш чуқурлиги ўтлоқи ботқоқ тупроқларда -3-4 см., бошқа тупроқларда 4,0-5,0 см. Жанубий худудларда 5-10, ўрта ва шимолий минтақаларда 10-20 апрелда экилади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим роль ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалаш 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилса гектарига 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашни кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдизи бири-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз холига келиш учун 7-10 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 7-10 кунга кечикади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга хос миқдордан кўп бўлса, қусакларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унимдорлиги, сизот сувининг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг Турон нави учун: унимдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 80-90 минг, очтусли бўз тупроқлар ва оғир механик тақир тупроқларда, сизот сувлари чуқур ва шунингдек, кам унимдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 100-110 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎҚИТЛАРНИ ИШЛАТИШ

Турон нави юқори агротехнологияга талабчан. Нав учун бўз тупроқларда азот-250 кг/га, фосфор-180 кг/га, калий-120 кг/га

миқдорда бериш мақсадга мувофиқ, ўтлоқ тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда бериш тавсия этилади: биринчи культивация билан -50 кг/га, шоналаш даврида-100 кг/га, гуллаш фазаси бошланганда-100 кг/га, фосфорли ўғитларни эса тенг қисимларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитларни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида бериш яхши натижа беради.

Агарда минерал ўғитларни ишлатишнинг кўрсатилган нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсақларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб, пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишққлигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсақлар тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзанинг охириги озиклантирилишини 15 июлдан кечиктирмай тугатиш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, кўсақлар сони кўпрок бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишшиш муддати 7-10 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Пахтанинг харид нархини пасайтиради. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. етилиш даври кечикиб кетган қўчатзорларга кузги шира кўпрок зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ ТАРТИБИ

Ғўзани неча марта суғориш тупроқ турига, сизот сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ғўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи кўринишига қараб белгиланади: гуллагунча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соат 14-15да) ўсимлик барглари тўқ яшил рангга кириб сўлинкирайди. Шунингдек бу пайтда барглар эгиловчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўртача томири қирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида, гулининг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликларнинг гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Калта ва дағал толанинг нархи жаҳон бозорида 1,5-2,0 маротаба пасаяди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Турон навини теггишли муддатларда суғориш тартибига қатъян риоя қилиш талаб этилади. Бўз

тупрокларда бу нав 1-1-1 схема бўйича суғорилади, сизот сувлари юза жойлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқларда бир марта суғорилади. Биринчи ва охириги сув яримга қискартирилган мсёрда, эгат оралатиб суғорилади.

Ортиқча суғориш ўсимликларни ғовлаб кетишга олиб келади, ҳосил чўғи камаяди.

Турон ғўза навини чилпишни 14-15 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади, 40,0-45,5% кўсаклар очилганда дефолиация ўтказилади.

ЯНГИ НАВЛАР

“НАМАНГАН-102” НАВИ

ҒЎЗАНИНГ НАМАНГАН-102 НАВИНИ ЕТИШТИРИШ БЎЙИЧА ТАВСИЯЛАР

Ғўзанинг Наманган-102 – нави Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институтида 159-Ф х 02654 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида Вик.А.Автономов, М.Кипчаков, А.Амантурдиев, А.Қушалиев, А.Нариманов, П.Ибрагимов, У.Джавлиев, Н.Хожамбергенов ва Б.А.Халмановлар томонидан яратилган.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Туплари йирик, конус шаклида, бўйи 110-120 см. Ўсув шохи 0-2 та, ҳосил шохлари 1-1.5 типга мансуб. Пояси ва шохи кам тукланган. Пояси кўкимтир, кузда қизғиш тус олади. Биринчи ҳосил шохлари 5-6 бўғинда пайдо бўлади. 1000 дона чигитининг массаси 111-127 г., сарғиш тукли. Барглари панжасимон, 3-5 тишли. Кўсаклари юмалок, чузилган текис, кўк рангли, тумшукчалари кам ривожланган. Вилтга чидамли. Бир кўсақтаги пахтасининг массаси 5.3-6.7 г. Ниҳоллар униб чиққандан биринчи кўсак очилгунча бўлган давр: ўрта ва шимолий минтақаларда 114-123 кун, жанубий минтақаларда 108-115 кун бўлиб, бу худудларда эртапишар хисобланади.

Толаси IV-типга мансуб, толасининг штапель узунлиги 34-35 мм., солиштирма узиллиш кучи 28.7 гк/текс, чизиқли зичлиги 164 м/текс. Тола чиқishi 38.0-41.1%. Микронейр кўрсаткичи 3.9-4.1. Нав толасининг дунё бозорида харидоргир. Нав экиладиган майдон йилдан-йилга кенгаймоқда.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Ҳар бир гектар майдонда етарли даражада кўчат қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дорилананиш мумкин. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Натижада хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан ишланиб, хўжаликларга берилади. Элита уруғчилик хўжаликлари ходимлари чигитларини ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдида намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан куруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш тавсия этилади.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган 20-25 кг. Махсус сеялкалар мавжуд бўлса, тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. Наманган-102 нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги-ўтлоқ-батқоқ тупроқларда 3-4 см., бошқа тупроқларда 4 см ҳисобланади.

ЯГАНАЛАШ ВА ҚАТҚАЛОҚҚА ҚАРШИ КУРАШ

Яганалаш тадбири ғўзани етиштиришда муҳим ўрин тутadi. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 3-4 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 4-5 кунга кечикади.

Баҳор пайтидаги ёгингарчиликлар туфайли пайдо бўладиган қатқалоқ билан курашиш зарур. Қатқалоққа қарши кураш шароит ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, қўлда ёки техникалар воситасида амалга оширилади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга хос миқдордан кам бўлса, кўсақларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, грунт сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанининг Наманган-102 нави учун: унумдор тупроқ шаронтида кўчат қалинлиги гектарига 100-110 минг туп, оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда грунт сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 130-140 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎГИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Наманган-102 нави юқори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. Наманган-102 нави учун бўз тупроқларда азот-200 кг/га, фосфор-140 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоки тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида 75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида

75 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агарда минерал ўғитлар йиллик меъёрининг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса қўсақларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни ва толанинг технологик сифатлари пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиқлигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши жадаллашиб ҳосил чўғини оширади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 10 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, қўсақлар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 7-10 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда қўсақларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Ғўзани неча марта суғориш тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ғўзани суғориш муддатлари фермерлар далаларида ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллагунча куннинг энг исиган пайтларида (кундузги соатда 15-16 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини камайтиради, букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса (юқоридан 3 барг) далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди.

Калта ва дағал толанинг нархи дунё бозорида 1,5-2 маротаба пасаяди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Наманган-102 навини

тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

Наманган-102 ғўза навини чиллишни 15-16 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади.

«С-6771» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИКИШИ

Келиб чиқиши: *G.hirsutum*L. турга мансуб, С-9070 х Т-77. Нав муаллифлари - А.Э.Эгамбердиев, А.Р.Сидиқов, С.А.Эгамбердиева ва бошқалар. Яратилган йили -1999 йили. Нав оргинатори - Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий тадқиқот институти. Реестрга киритилган йили - Давлат нав синовида.

МОРФОЛОГИК БЕЛГИЛАРИ

Поясининг баландлиги - 90-95 см. Шакли – Конуссимон. Туклилиги - ўртача тукланган. Ўсув шохи (моноподиал) - 1-2. Ҳосил шохи - 1,0 -1,5 типда. Баргининг тузилиши - 3-5 бўлакли, кафтсимон. Туклилиги - усти туксиз, ости ўртача тукли. Ранги – яшил. Гули – сарғиш. Кўсагининг шакли - овалсимон.

Кўсагининг очилиши - тўлиқ яхши очилади. (чаноқлардан пахтасини тушиб кетмайди). 1 дона кўсагидаги пахта вазни - 5,4-5,8 г. Ўсув даври - 113-115 кун

Ўртача ҳосилдорлиги - 36,5 ц/га. Шундан - Пскент нав синаш участкасида 42,2 ц/га, Избоскан нав синаш участкасида 32,8 ц/га берган. Чигитининг тузилиши - конуссимон учсиз, ўртача катталиқда. Туклилиги – ўртача тукланган. 1600 дона чигит оғирлиги – 117-120 гр. Илдизи - кучли ривожланган ўқ илдиз.

ТОЛАСИ

Тола узунлиги - 34,0-34,5 мм. Тола чиқими - 37,0-37,5%. Метрик номери – 6390-6430. Пишиқлиги - 4,3-4,4 гс/текс. Нисбий узилиш оғирлиги – 27,9 км.

Типи - IV тип. Микронейри - 4,3-4,4.

ТОЛА СИФАТИ ЛАБОРАТОРИЯСИНИНГ ТАҲЛИЛИ (HVI ДАСТГОҲИДА)

Mic (микронейр) - 4,3. Str (солиштирма оғирлик кучи) - 31,2. Len (тола узунлиги дюйм) – 1,17-1,20. Unf (узунлик бўйича бир хиллик

индекси,%) - 85,2. Sf (калта тола индекси, %) - 4,5. Elg (узулишдаги узайиш, %) - 10,2 T (ноталавий аралашмалар) - 3. Gnt (ифлос аралашмалар сони) - 7. Aaga (ифлос аралашмалар майдони) - 0,4 CG (Америка стандартлари бўйича сорт, класс) - 21-2 Rd (нур қайтариш коэффиценти,%) - 79,4 B (сариклик даражаси) - 7,8. Код - 37-38. Тип - IV тип. Нав вертициллез вилт касаллигига чидамли ҳисобланади. "С-6771" ғўза нави ҳосилдорлиги бўйича Андижон вилояти, Избоскан нав синаш участкасида 32,8 ц/га (андоза навдан +4,5 ц/га), Тошкент вилояти, Пскент нав синаш участкасида 42,2 ц/га (андоза навдан +3,8 ц/га), Фарғона вилояти, Охунбобоев нав синаш участкасида 30,9 ц/га (андоза навдан +3,2 ц/га), тезпишарлиги бўйича Фарғона вилояти, Охунбобоев нав синаш участкасида 109 кун (андоза навдан -4 кун) Тошкент вилояти, Пскент нав синаш участкасида 106 кун (андоза навдан -3 кун) натижаларни кўрсатган. Нав тезпишар бўлганлиги сабабли унинг ҳосилини кузги шира тушпунга қадар йиғиб-териб олиш мумкин.

НАВНИ ЕТИШТРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

Чигитни экишга тайёрлаш:

Пахтачиликда икки хил: тукли ва туксиз уруғлик чигитдан фойдаланилади. Уруғлик чигит асосий сифат кўрсаткичлари бўйича: униб чиқиш даражаси, навнинг тозаллиги, сиртидаги қолдиқ тола миқдори, намлиги ва шикастланиши давлат стандартига тўғри келиши керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш ва бошқа касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида экишдан олдин уруғлик чигит тигам, бронотак, формалин, никамизалон, панокгин, гаучо, витовакс, П-4, ПАВ-61, рапкол-ТЗ, ортен каби кимёвий препаратлари билан дориланади. Агарда уруғлик чигит дориланмасдан экилса, улардан ўсиб чиққан ниҳоллар касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Бу эса, ўз навбатида хатоларга қайтадан экишга олиб келади, чигитни қайта экиш кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ҳамда кўсақларнинг очилиши камида 3-5 кунга кечикишига, ҳосилдорликни эса 3-4 ц/га камайишига олиб келади.

Тукли чигитларни дорилаш билан бир қаторда, экиш олдида намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда эса 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Маълумки, жадаллаштириш технологиясининг энг муҳим элементларидан бири ўз вақтида ва сифатли қилиб чигитни экиб олиш ҳисобланади. Тупроқнинг 10 см қатламида ҳарорат 14-15° бўлганда 1 ҳафта ичида чигитни экиб бўлиш мақсадга мувофиқдир. Аввало тукли, кейин эса туксиз чигит экилади. Чигит аввал тез қизийдиган, механик таркиби енгил бўлган тупроққа ёки эгат пуштасига, сўнгра оғир тупроқли ерларга экилади. Чигит қулай муддатлардан эрта ёки кеч экилса ҳосилдорликка зарар етказиши мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, чигитни эрта, тўлиқ ва қийғос ундириб олиш агротехник тадбирлар орасида муҳим ўрин эгаллайди.

Тукли чигит уялаб экилганда гектарига 50-60 кг чигит сарфланади. Туксиз чигит аниқ миқдорда уялаб экилганда гектарига 25-30 кг чигит сарфланади ва яганалашга ҳожат қолмайди. Чигит пуштага экилганда тез униб чиқади ва 4,5-8,0 ц/га қўшимча пахта ҳосилини олиш имкониятини беради. Қатор орасининг кенглиги 90см бўлганда чигит 90х10х1, қатор ораси 60см бўлганда эса чигит 60х15х1 схемаларда экилади. Ўтлоқ-ботқоқ ерларда аниқ миқдорда чигит экиш ҳосилдорликнинг 1,5-2,5 ц/га ошишига олиб келади.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқча чуқурликка экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. “С-6771” ғўза нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги - ўтлоқ-ботқоқ тупроқларда 3-4 см., енгил бўз тупроқларда 4 см ва кумлоқ тупроқларда 5-6 см ҳисобланади.

Чигит экилгандан кейин унинг тупроқдаги ҳолатини ва ниш уришини муттасил кузатиб бориш лозим. Чунки, кунлар исиб нам тез кўтарилиб кетса, кутиб ўтирмасдан тезда чигит суви бериш лозим. Сув сарфи кам меъёردа 600-700^{м³} эгат оралаб ёки ҳамма қаторларга ернинг тузилиши, нишаблигига қараб, бу ишни ўта тажрибали сувчи амалга оширса жуда ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

НИХОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Ўзанинг янги “С-6771” нави ўта тезпишар бўлганлиги сабабли барча агротехника тадбирлари тез ва эрта ўтказилишини талаб қилади.

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Ўза ниҳолларини яганалашни ниҳоллар тўлиқ униб чиққандан бошлаб 1 та 2 та чин барг пайдо бўлишгача тугаллаш лозим. Яганалаш кечиктирилса ўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таалуқли барча кўрсаткичлари пасайиб кетади, чунки яганалаш чўзилиб кетса юлиб ташланадиган ғўза ниҳоллари ўзлари билан биргаликда озуқа

моддаларини кўпроқ миқдорда олиб кетади. Натижада, яганалаш ишлари 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди. Шу жумладан, яганалашнинг кеч ўтказилиши оқибатида ниҳолларнинг илдизлари бир-бирлари билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Уларнинг ўз ҳолига келишлари учун камида 7-10 кун сарф бўлади, бу эса кўсақларнинг очилиши ҳам 7-10 кунга кечикишидан далолат беради.

Агарда, ғўза ниҳоллари илдиз чириш касаллигига чалинганлиги ёки кўп миқдорда кузги тунлам, шира ва трипслар тушганлиги сезилса, маскур ҳолларда далаларда кўчат нормал қалинликда бўлишини таъминлаш мақсадида яганалашни бир неча кун кечиктириш лозим бўлади, яъни яганалашни 2-3 чинбарг пайдо бўлганда бошлаш керак.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТИЗИМИ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Кўчат қалинлиги ғўзанинг ўсиш ва ривожланиш шароитига, бинобарин ҳосилдорликка ҳал қилувчи таъсир кўрсатувчи омиллардан бири ҳисобланади. Кўчат сийрак бўлса айрим ғўза туллари бақувват бўлиб ривожланади, уларнинг ҳар биридан кўп ҳосил тўпланади, бироқ гектаридан олинадиган умумий ҳосил кам бўлади. Аксинча, кўчат қалин бўлганда ғўза нимжон ривожланади ва бу ҳосилдорликка салбий таъсир кўрсатади.

Шу сабабли, эрта ва юқори ҳосилли пахта ситиштириш учун ҳар бир гектар майдонда навнинг морфологиясидан келиб чиқиб энг мақбул кўчат қалинлигини ҳосил қилиш лозим. Шунингдек, кўчат қалинлиги тупрок тури, унинг унумдорлиги, захоб сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб ҳам белгиланади.

Ќўзанинг “С-6771” нави учун: унумдор тупрок шароитида кўчат қалинлиги гектарига 110 минг тупдан кам бўлмаслиги керак. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда, захоб сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 120-140 минггача туп кўчат жойлаштирилади. Демак, тупроқ-иқлим шароитига қараб ушбу рақамлар ўзгариши мумкин.

Маскур навни қўш қаторлаб ҳам экиш мумкин.

МИНЕРАЛ ЎВИТЛАРНИ ИШЛАТИШ

Ўғитнинг аҳамияти минерал, маҳаллий, микробактериал ўғитлардан самарали фойдаланиш пахтадан юқори ҳосил олишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Ўғит фақатгина ҳосилдорликни оширмай,

балки ҳосил сифатига ҳам таъсир этади. Шунингдек, ғўза азот, фосфор, калий ва микро элементлари билан старли озиклантирилмаса, тола сифати, чигитидан мой чиқиш миқдори ва чигитнинг навдорлиги ҳам пасайиб кетади.

Ўғитлаш нормаси тупроқ типи кай даражада маданийлаштирилганлиги, агротехникаси иқлим шароити ва режалаштирилган ҳосилдорлигига боғлиқ Тупроқ ўсимликнинг асосий озик манбаи ҳисобланади. Шунинг учун унинг турларига қараб таркибидаги азот, фосфор ва калий миқдорлари ҳам турлича бўлади.

“С-6771” нави юкори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажриба натижаларидан маълум бўлдики, азотли, фосфорли ва калийли ўғитларни 1:0,75:0,5 нисбатида ишлатиш яхши самара беради. “С-6771” нави учун бўз тупроқларда азот-200 кг/га, фосфор-150 кг/га ва калий-50 кг/га миқдорда, ўтлоқи тупроқларда эса азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади. Ғўза ўзининг бутун ривожланиш даврида барча турдаги ўғитларга талабчан бўлади. Шу сабабли, азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-100 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида-100 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиришга, калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиқлигини оширишга, жумладан, минерал ўғитларга кўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилганда, чигит вазнининг ошишига ва кўсақларни тўлиқ бўлишига имкон яратади.

“С-6771” нави ғўзаларини минерал ўғитлар билан охириги маротаба озиклантиришни 15 июлдан кечиктирмай тугаллаш лозим. Минерал ўғитларни ишлатишнинг кўрсатилган нисбати ёки озиклантириш муддатлари бузилса ёки фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмаса, жумладан, азотли ўғитлар меъёридан ортик ишлатилса кўсақларнинг очилиши 10-15 кунга кечикиб, тола сифати ҳамда чигит вазни пасайиб кетади. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради.

СУҒОРИШ

Ўзбекистонда пахтачилик фақат сунъий суғоришга асосланган. Ёзани неча марта суғориш тупроқ турига, захоб сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим.

Суғориш режими деганда, суғоришни ўсимликнинг ривожланиш даврларига тўғри тақсимлаш, суғориш ва сув қўйиш меъёрлари

миқдорини ҳамда суғоришнинг энг мақбул муддатларини белгилаш тушунилади.

Суғориш тартибларини тузганда амалда уч давр тавсия этилади: 1- давр-гуллашгача; 2- давр- гуллаш, ҳосил тўплаш; 3-давр-пишиб етилиш..

Ана шу муддатлар бўйича суғориш сони белгиланади ва схемага киритилади. «С-6771» ғўза нави учун 2-2-1 тартибда суғориш схемаси тавсия қилинади.

Ўзани суғориш муддатлари эса ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллагунча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқираган бўлганда, шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири қирсилламаса далани суғориш лозим. Ўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ҳам ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин, бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айникса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашиши, жумладан тола узунлигининг пасайишига олиб келади. Жаҳон пахта бозорида калта ёки дағал толанинг нархи 1,5-2 маротабагача паст баҳоланади.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда «С-6771» ғўза навини мақбул муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиниши талаб этилади.

“С-6771” ғўза навини 14-15 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда, шу жумладан ғўза ёппасига гулга кириб кўсаклаш даврида чилпиш ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ келади.

«СУРХОН-100» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

“Сурхон-100” ғўза нави Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидagi Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида F₃ Л-3965 х Л-204 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида Вад.Автономов, Вик.Автономов, П.Ибрагимов, О. Кимсанбаев, Н.Хожамбергенов, Х.Хусанов ва А.Курбанов томонидан яратилган. Давлат нав синаш хўжаликларида 2003-йилдан бошлаб текширишдан ўтмоқда.

МОРФОЛОГИЯСИ ВА ХЎЖАЛИК УЧУН ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Бош поясининг баландлиги 90-110 см. Тупи йиғиқроқ, шохланмаган бўлиб, ҳосил шохлари асосий пояга жипс жойлашган, ётиб қолмайди.

Биринчи ҳосил шохи 3-5 бўғинда ўсиб чиқади, 0-2 моноподия бор. Барглари ўртача катталиқда 3-5 япроқли, гули антацион доғли. Уруғи кўкиш рангли ўртача катталиқда, деярли туксиз ҳолда бўлиб микропил ва холаза қисмида озгина тукланиш сезилади. Ҳосили чаноғидан тўкилмайди. Толаси оқ рангли. Катта нав синаш тармоқларининг маълумотларига кўра (2002 й.) юкори даражада тезпишарлиги аниқланган. Ўсимлик ўсиш даври 120 кун бўлиб, андоза “Термиз-31” навига нисбатан 3 кун эртапишар. Кўсаклари узунчоқ, яшил рангда, очилиш тезлиги юкори бўлганлиги сабабли “Сурхон-100” нави Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида “Термиз-31” навига нисбатан ҳосилдорлиги бўйича 2-3 ц/га ва тола чиқими бўйича 2,6-3,0 фоиз юкори натижа кўрсатди.

“Сурхон-100” нави IА типга мансуб бўлиб ЎзҒСУИТИ технология лабораторияси томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра қуйидаги хусусиятларга эга: узилиш узунлиги 4,5 г/к, нисбий узилиш узунлиги 35,5-37,2 г/к текс, тола нафислиги 7400-7600, штапель узунлиги 49,3-40,5 мм, тола ифлосланиши 3 фоиздан ошмайди. Тола чиқими 33,8-37,0 фоиз.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Ҳар бир гектар майдонда старли даражада кўчат қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаларда тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди, натижада хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-5 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 3-4 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан дориланиб, хўжаликларга берилади. Элита уруғчилик хўжаликлари(ҳодимлари иштирокида) чигитларни ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдидан намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда эса 600 литрдан сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан куруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик барқарор ҳарорати 12⁰ С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража

бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори туксизлантирилган бўлса 25-30 кг., тукли чигит 60 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. “Сурхон-100” нави чигитнинг энг мақбул чуқурлиги-ўтлоқ-батқоқ тупроқларда 3-4 см., бошқа тупроқларда 4 см ҳисобланади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГАНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тadbирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим. Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда бошланса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалашнинг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдизлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдизлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 3-4 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсакларнинг очилиши ҳам 3-4 кунга кечикади.

КЎЧАТНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТЎП КАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги ҳосил қилиниши зарур. Кўчатлар навга ҳос миқдордан кам бўлса, кўсакларнинг пишиб етилиши кечикади ва ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда ҳам ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, грунт сувнинг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг Сурхон-100 нави учун: унумдор тупроқ шароитида кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг та. Оч тусли ғўза тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда грунт сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 160-170 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИ КЎЛЛАШ

“Сурхон-100” нави юкори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. Сурхон-100 нави учун бўз тупроқларда азот-220 кг/га, фосфор-150 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоки тупроқларда азот-20-25 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп берилади.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-75 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида-85 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади. Агарда минерал ўғитлар йиллик меъёрининг нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар етарли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса қўсақларнинг очилилиши 5-6 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиқлигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, қўсақ тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 10 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, қўсақлар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 3-4 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда қўсақларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган қўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУЎРИШ

Ўзани суғоришлар сони тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташқи аломатларига қараб белгиланади: гуллагунча куннинг энг исиган дамларида (кундузги соатда 14⁰⁰-15⁰⁰ да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиған бўлади. Шунингдек бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг ўрта томири

қирсилламаса далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толаннинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги пасаяди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Сурхон-100 навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

“Сурхон-100” ғўза навини чилпишни 17-18 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказилади.

«СУРХОН-101» НАВИ

НАВНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

“Сурхон-101” ғўза нави Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги Вазирлиги тасарруфидаги Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш марказига қарашли Ўзбекистон Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида F₃ Л-500 х МЛ-104 тизмаларини чатиштириш ва кўп йиллик якка танловлар натижасида Вад.Автономов, Вик.Автономов, П.Ибрагимов, О.Кимсанбаев, Н.Хожамбергенов, Х.Хусанов, Т.Камилов ва Р.Абидовлар томонидан яратилган. Давлат нав синаш хўжаликларида 2004-йилдан бошлаб синов ўтмоқда.

НАВ МОРФОЛОГИЯСИ ВА ҚИММАТЛИ БЕЛГИЛАРИ

Бош поя узунлиги 90-110 см. Тупи йиғикрок, шохланмаган бўлиб, ҳосил шохлари асосий пояга жипс жойлашган, ётиб қолмайди. Биринчи ҳосил шохи 3-5 бўғинда ўсиб чиқади, 0-2 ўсув шохлари бор. Барглари ўртача катталиқда 3-5 япроқли, гули анатацион доғли. Уруғи кўкиш рангли ўртача катталиқда, деярли туксиз ҳолда бўлиб микропи ва холаза қисмида озгина тукланиш сезилади. Хосили чаноғидан тўкилмайди. Толаси оқ рангли. Катта нав синаш тармоқларининг маълумотларига кўра (2003 й.) юқори даражада тезпишарлиги аниқланган. Ўсимлик ўсиш даври 120 кун бўлиб, андоза “Термиз-31” навига нисбатан 3 кун эртапишар. Кўсақлари чузичок, кўк рангли, очилиш темпи юқори бўлганлиги сабабли “Сурхон-101” нави Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида “Сурхон 9” навига нисбатан ҳосилдорлиги бўйича 4-6 ц/га ва тола чиқими бўйича 2,6-3,0 % фозиз юқори натижа кўрсатди.

“Сурхон-101” нави I типга мансуб бўлиб, унинг толаси ЎзҒСУИТИ тола технологилси лабораторияси томонидан олиб борилган таҳлилларга кўра қуйидаги хусусиятларга эга: узилиш кучи 4,2 г/к, нисбий узилиш узунлиги 34,6-36,9 гк/текс, метрик номери 7200-7400, штапель узунлиги 39,3-45 мм, тола ифлосланиши 3 фоздан ошмайди. Тола чиқими 34,8-37,2 %.

ЧИГИТНИ ЭКИШ

Қийғос кўчатлар етиштириш мақсадида, ниҳоллар қалинлигини таъминлаш учун сараланган, экишга тайёрланган унувчанлиги 95 % дан кам бўлмаган уруғлардан фойдаланиш керак. Ёш ниҳолларни гоммоз, илдиз чириш касалликларидан ҳимоя қилиш мақсадида чигит дориланиши зарур. Уруғлик чигит бронопол, витавакс, П-4, лансур препаратлари билан дориланади. Агар чигит дориланмаса, ниҳоллар гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалиниб, далаalarda тўлиқ кўчат олишга имкон бермайди. Чигитни хатосига қайтадан экишга олиб келади. Булар ўз навбатида кўчатзорларда ғўзанинг текис ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилнинг пишиши камида 3-4 кунга кечикади, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга камаяди.

Одатда уруғлик чигитлар пахта тозалаш заводларида марказлаштирилган ҳолда кимёвий моддалар билан ишланиб, фермер хўжаликларга тарқатилади. Элита уруғчилик хўжаликлари ходимлари чигитларни ўзлари дорилашига тўғри келади. Фермерлар тукли ва туксизлантирилган чигитларни экиши мумкин. Тукли чигитларни экиш олдидан намлаш ҳам керак. Намлаш тартиби қуйидагича: даставвал ҳар бир тонна чигитга 300 литр, кейинги муддатларда экишда жами 600 литр сув сарфланади. Экиш бошланган кунларда чигит 12 соатга, кейинги кунларда 19 соатгача намланади. Туксизлантирилган чигитлар намланмасдан қуруқлигича экилаверади.

Чигит экишни тупроқнинг 10 см чуқурликдаги ўртача суткалик ҳарорати 12° С даража бўлганда тукли чигитларни, 14 даража бўлганда эса туксизлантирилган чигитларни экишни бошлаш керак.

Ҳар гектар майдонга сарфланадиган чигит миқдори, техникалар етарли бўлганда туксизлантирилган бўлса 20-25 кг., тукли чигит 50-55 килограммдан ошмаслиги керак. Чигит экиш пайтида уруғнинг бир хил чуқурликка тушишига, қаторларнинг тўғри чиқишига, туташган қаторларнинг орасидаги масофанинг бир хил бўлишига алоҳида аҳамият берилиши зарур. Акс ҳолда ниҳоллар ҳар хил муддатларда униб чиқади, ғўза қатор ораларига ишлов берилганда кўчат қалинлиги камайиб кетиши мумкин.

Уруғни тез ва текис ундириб олиш учун унинг чуқурлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Меъёридан ортиқ чуқур экилган ёки саёз экилган майдонларда чигит тезда униб чиқмайди. “Сурхон-101” нави чигитининг энг мақбул экиш тупроқ шароитидан 3-4 см., келиб чиқиб ҳисобланади.

НИҲОЛЛАРНИ ЯГНАЛАШ

Яганалаш нав агротехникасида муҳим рол ўйнайди. Бу тадбирни ғўза ниҳоллари битта-иккитадан чинбарг чиқарганда ўтказиш лозим.

Агарда яганалашни 3-4 чинбарг чиқарганда ўтказилса, ҳосилдорлик гектарига 2-3 центнерга, 4-5 чинбарг чиқарганда ўтказилганда эса 4-5 центнерга камаяди.

Яганалаш тадбирининг кеч ўтказилиши натижасида ниҳолларнинг илдиэлари бир-бири билан бирикиб кетади ва натижада ортиқча ғўза ниҳоллари юлиб олинганда қолган ниҳолларнинг илдиэлари шикастланади. Улар ўз холига келиши учун 3-4 кун ўтади. Бу эса ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва оқибатда кўсақларнинг очилиши ҳам 4-5 кунга кечикади.

КЎЧАТЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ТУП ҚАЛИНЛИГИ

Эртапишар ва юқори ҳосилли пахта етиштириш учун ҳар бир гектар майдонда мақбул кўчат қалинлиги етиштирилиши зарур. Кўчатлар нав биологиясига мос миқдордан кам бўлса, кўсақлар сони туфайли ҳосилдорлик камаяди. Кўчат сони меъёрдан кўп бўлганда эса, кўсақлар керакли миқдордаги массасини тўплай олмаслиги туфайли ҳосилдорлик камаяди. Кўчат қалинлиги тупроқ тури, унумдорлиги, грунт сувининг чуқурлиги, шўрланиш даражасига қараб белгиланади.

Ўзанинг “Сурхон-101” нави учун: унумдор тупроқ шароитига кўра кўчат қалинлиги гектарига 130-140 минг туп. Оч тусли бўз тупроқлар ва оғир механик таркибли тақир тупроқларда грунт сувлари чуқур ва шунингдек, кам унумдор ва шўрланишга мойил тупроқларда гектарига 160-170 минг туп кўчат жойлаштирилади.

МИНЕРАЛ ЎЎИТЛАРНИ КЎЛЛАШ

“Сурхон-101” нави юқори агротехнологияга талабчан. Кўп йиллик тажрибалардан маълум бўлдики, азотли, фосфорли, калийли ўғитларни 1:0,7:0,4 нисбатида ишлатиш яхши натижа беради. “Сурхон – 101” нави учун бўз тупроқларда азот-220 кг/га, фосфор-150 кг/га, калий-80 кг/га миқдорда, ўтлоқ тупроқларда азот-25-30 кг/га кам, фосфор-25-30 кг/га кўп бериледи.

Азотни уч муддатда солиш тавсия этилади: биринчи культивация вақтида-50 кг/га, шоналаш даврида-90 кг/га, гуллаш фазаси бошланишида-80 кг/га, фосфорли ўғитни тенг қисмларга бўлиб шудгор остига ва ўсимликлар гуллаш даврида, калийли ўғитни шудгорлашдан олдин ва шоналаш даврида солинади.

Агар, минерал ўғитлар йиллик меъёри тавсия этилган нисбати бузилса, фосфорли ва калийли ўғитлар старли миқдорда қўлланилмасдан, азотли ўғитлар меъёридан ортиқ ишлатилса кўсақларнинг очилиши 6-7 кунга кечикиб пахта толаси сифати пасаяди, тола дағаллашади. Унинг

нархи кескин пасаяди. Ўз вақтида ўғит берилмаса чигит вазни пасаяди. Фосфорли ўғитлар ўсимлик ривожланишини тезлаштиради. Калий ўғитлари тола сифатини, айниқса унинг пишиклигини оширади. Минерал ўғитларга қўшимча маҳаллий ўғитлар қўлланилса, чигит вазни ошади, кўсак тўлиқ ривожланади.

Минерал ўғитлар билан ғўзаларнинг охириги озиклантиришини 10 июлдан кечиктирмай тугаллаш зарур. Ушбу даврда берилган ўғитларнинг таъсири июл ойининг охиригача давом этади. Агарда озиклантириш ушбу муддатдан кечикиб берилса, кўсаклар сони кўпроқ бўлиши мумкин, лекин уларнинг пишиш муддати 7-10 кунга кечикиб кетади.

Кеч териб олинган ҳосил сарфланган харажатларни қопламайди. Шунингдек, охириги озиклантириш кўрсатиб ўтилган муддатдан кечикиб кетган ҳолатда кўсакларнинг пишиш авжи пасаяди. Пахтанинг харид нархи пасаяди. Фермерлар иқтисодий зарар кўради. Етилиш даври кечикиб кетган кўчатзорларга кузги шира кўпроқ зарар келтиради. Бу эса тола сифатини кескин пасайтиради.

СУҒОРИШ

Суғоришлар сони тупроқ турига, грунт сувларининг сатҳига ва иқлим шароитларига боғлиқ. Шу билан бирга эгат узунлиги 80-100 метрдан ошмаслиги лозим. Ғўзани суғориш муддатлари ўсимликнинг ташки аломатларига қараб белгиланади: ҳарорат юқори бўлган пайтлари (кундузги соатда 14-15 да) ўсимлик барглари тўқ-яшил рангга кириб сўлинқирайдиган бўлади. Шунингдек, бу пайтда барглар эгилувчанлик хусусиятини йўқотмаса, букканда уларнинг (тепадан пастга қараб учинчи барг) ўрта томири қирсилламасдан синса далани суғориш зарур бўлади. Ғўзани гуллаш даврида гулнинг энг юқорига чиқиши ўсимликнинг ниҳоятда чанқаганидан дарак беради. Лекин бу ҳолатга етказиш керак эмас. Чанқатиб суғориш, айниқса ўсимликлар гуллаш даврида, толанинг дағаллашишига олиб келади. Тола узунлиги вам ос равишда бошқа курсаткичлари пасаяди.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда Сурхон-101 навини тегишли муддатларда суғориш тартибига қатъиян риоя қилиш талаб этилади.

“Сурхон-101” ғўза навини чилпишни ўтказилган илмий тажрибалар ва адабиёт манбалари асосида 17-18 та ҳосил шохлари пайдо бўлганда ўтказиш тавсия этилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. В.А.Автономов, Кўшалиев А. С-6524-нави, Ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, Ташкент, 2006, № 5, с.16-17.
2. В.А.Автономов. Географически отдаленная гибридизация в селекции средневолокнистых сортов хлопчатника. Монография, Ташкент, 2006.
3. В.А.Автономов. Ғўзанинг ингичка толали «Сурхан-9» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2006.
4. В.А.Автономов. Ғўзанинг янги, ингичка толали «Сурхан-100» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2006.
5. В.А.Автономов. Ғўзанинг янги, ингичка толали «Сурхан-101» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2006.
6. В.А.Автономов. Межсортная гибридизация, в создании новых сортов хлопчатника вида *G.hirsutum* L. Монография. ООО «Меҳридарё», Ташкент, 2007.
7. В.А.Автономов, О.Х.Кимсанбаев. Перспективный сорт хлопчатника С-6541. Мат.междун.научно-практич.конф. «Современное стояние селекции и семеноводства хлопчатника, проблемы и пути их решения». УзНИИССХ. Ташкент. 2007. С.70-71.
8. В.А.Автономов, О.Х.Кимсанбаев. Перспективный сорт хлопчатника Сурхан-100. Матер.междун.научно-практич.конф. «Тупрок унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари». УзПИТИ. Ташкент. 2007. С. 244-246.
9. В.А.Автономов. Перспективный сорт хлопчатника С-6541. Материалы конференции, посвященной 120-й годовщине со дня рождения академика Н.И.Вавилова «Вавиловские чтения-2007». Саратов, 2007. – С.3-4.
10. В.А.Автономов. Парная гибридизация в селекции хлопчатника *G.hirsutum* L. Монография. Ташкент. 2007. «Меҳридарё», 213 с.
11. В.А.Автономов. Ғўзанинг ўрта толали «Наманган-77» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2008.
12. В.А.Автономов. Ғўзанинг истикболли ўрта толали «Наманган-34» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2008.
13. В.А.Автономов. Ғўзанинг районлаштирилган ўрта толали «С-6524» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2008.
14. В.А.Автономов. Ғўзанинг истикболли, ўрта толали «С-6541» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2008.
15. Х.Мунасов, С.С.Алихўжаева Ғўзанинг истикболли, ўрта толали «Турон» нави. Ахборот varaқаси. ООО «Меҳридарё», Тошкент, 2008.

НАВЛАРНИНГ ПАТЕНТЛАРИ

1. Автономов Вад.А., Усманов А.А., Автономов Вик.А., Ибрагимов П.Ш., Хожамбергенов Н., Хусанов Х.А., Кимсанбаев О.Х. Сорт хлопчатника “Сурхан-9”. Патент № NAP 00040. Расмий Ахборотнома 2003, № 4.
2. Автономов Вад.А., Ибрагимов П.Ш., Автономов Вик.А., Кимсанбаев О.Х., Курбанов С., Хусанов Х. Сорт хлопчатника “Сурхан-100”. Патент № NAP 00051. Расмий Ахборотнома 2005, № 2.
3. Автономов Вад.А., Ибрагимов П.Ш., Автономов Вик.А., Кимсанбаев О.Х., Хусанов Х., Комилов Т., Абидов Р., Усманов А.А., Хожамбергенов Н. Сорт хлопчатника “Сурхан-101”. Патент № NAP 00058. Расмий Ахборотнома 2006, № 2.
4. Автономов Вад.А., Ибрагимов П.Ш., Автономов Вик.А., Кимсанбаев О.Х., Хусанов Х., Комилов Т., Абидов Р., Усманов А.А., Хожамбергенов Н. Сорт хлопчатника “С-6541”. Патент № NAP 00060. Расмий Ахборотнома 2006, № 2.
5. Автономов Вик.А., Ибрагимов П.Ш., Кипчаков М., Назаров Р., Салиходжаев Н., Нариманова Н., Хожамбергенов Н. Сорт хлопчатника “Наманган-34”. Патент № NAP 00066. Расмий Ахборотнома 2007, № 3.
6. Автономов Вик.А., Кипчаков М., Амантурдиев А.Б., Ибрагимов П.Ш., Кушалиев А., Жовлиев У.Н., Хожамбергенов Н., Нариманова М., Халманов Б., Эгамбердиев Р. Сорт хлопчатника “Наманган-102” Патент № 00067. Расмий Ахборотнома 2007, № 3.
7. Автономов Вад.А., Автономов А.А., Рыстаков В.С., Юлдашев Т., Цыбы А.Т., Саидахмедов М., Шерматов А. Сорт хлопчатника “С-6524”. Патент № 1.
8. Автономов Вад.А., Саидахмедов М., Шерматов А., Эгамбердиев А. Сорт хлопчатника “Наманган-77”. Патент № 12.
9. Мунасов Х., Алиходжаева С., Муратов У., Бочарова В.М., Дусимбетов А.Т., Таджикибаев Т., Батиов Т.Ю., Эгамбердиев А., Турсунов Ф. Сорт хлопчатника “Турон”. Патент № NAP 00053.
10. Эгамбердиев А., Ибрагимов П.Ш., Саидахмедов М., Алиев А.И., Кипчаков М., Эгамбердиева С.А., Сидиков А.Р. Сорт хлопчатника “С-6771”. Патент № NAP 00063.

МУНДАРИЖА

«С-6524» НАВИ.....	3
«НАМАНГАН-77» НАВИ.....	6
«С-4727» НАВИ.....	10
«Омад» НАВИ.....	12
«СУРХАН-9» НАВИ.....	16
Истикболли навлар.....	19
«С-6541» НАВИ.....	19
«НАМАНГАН-34» НАВИ.....	23
«ТУРОН» НАВИ.....	27
Янги навлар.....	31
«НАМАНГАН-102» НАВИ.....	31
«С-6771».....	35
«СУРХАН-101».....	40
«СУРХАН-101».....	44
Фойдаланган адабиётлар.....	48
Навларинг патентлари.....	49
МУНДАРИЖА.....	50

ҚАЙДЛАР УЧУН

This image shows a single sheet of white paper with horizontal blue or grey ruling lines. The lines are evenly spaced and run across the width of the page. There is no handwriting or other markings on the paper.

3000 —

В.А.АВТОНОМОВ

Янги ва туманлашган гўза навларини етиштириш агротехникаси

Тошкент - «Fan va texnologiya»- 2008

Бичими 60x84 ¹/₁₆. Босма варағи 3,25. Тиражи 500. Буюртма 128.

«Fan va texnologiyalar markazining bosmaxonasi»да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171.